

Қашқадарё воҳаси бахшилари дostonларида болалик даври удумларининг акс этиши ва уларнинг этнографик хусусияти

Норбўтаев Парда
тарих фанлари номзоди
Қашқадарё вилояти халқ таълими ходимларини
кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини
ошириш институти “Ижтимоий-иқтисодий фанлар”
кафедраси мудири

Болани туғилгунига қадар ёки бешикдалигидаёқ атаб қўйиш Ўрта Осиё халқларида кенг тарқалган. Бу одат ўзбекларда асосан, «бешиккерти» деб номланса, қозоқ халқида «эже кабыл» деб юритилади. Мазкур одатнинг генезиси патриархат уруғчилик тузимининг тараққий этган даври билан боғлиқ эканлиги маълум [1, 14].

«Бешиккерти» шундай одатки, бир-бирини таниб, билиб юрган оилаларнинг бирида қиз, иккинчисида ўғил туғилса, ўғил бола туғилган хонадон вакили (яъни, ўғил боланинг онаси) қиз хонадонига бориб, икки гўдакни бир-бирига «унаштириб» қўйган.

Қашқадарё воҳасида «бешиккерти» [2, 3], Сурхондарё воҳасининг кўп жойларида болаларни «унаштириш» удуми «этак йиртиш» [3, 28] деб номланса, Фарғона водийсида «сирға солди» номи билан юритилади. Ушбу одатда ўғил боланинг онаси қиз бола хонадонига ташриф буюради. Ўғил боланинг онаси қиз бола қулоғининг пастки қисмига белги қўйиб, навбатдаги ташрифида сирға таққан. Бунга жавобан қиз томон ўғилнинг онасига совға ўрнида бир кўйлақлик мато тутқазган. Шу кундан бошлаб қизалоқ ўғил боланинг умр йўлдоши сифатида тан олинган. Ҳар йили байрам ва ҳайтларда ўғил бола хонадони қиз болага ҳар хил совғалар: кўйлақ, рўмол, оёқ кийим ва ширинликлар улашиб турилган.

Қашқадарё воҳаси ўзбекларида «Бешиккерти» ёки «бешиккетти» одати мазмунан Юқори Зарафшон водийсидаги «бешиккерти» одатига яқиндир. Қашқадарё ўзбекларидаги «бешиккерти» одати бўйича, қиз томон розилиги олингач, бўғирсоқ пишириб тарқатилган. Чунки бўғирсоқ қадимдан ўзбеклар

орасида серпуштлилик тимсоли ҳисобланади [4, 1]. Воҳада мазкур одатдан сўнг бўлғуси келин-куёвнинг яқин қариндошларига, қўшниларига, маҳалла ва қишлоқ аҳлига қизнинг «боши боғланганлиги» маълум қилинган.

Бу одатнинг яна бир кўриниши «оёқ боғлаш» деб аталади, унга кўра, бешикдаги қиз боланинг ўнг оёғига ола ип («кўган») боғлаб қўйилган, бу қизалоқнинг ўғил болага аталганлигини билдирган. Бу, биринчидан, қизалоқнинг ўғил бола хонадонига бир умрга боғлиқлигини билдирса, иккинчидан, шу қизалоқни ёмон кўзлардан саклаш вазифасини бажарган. «Кўган» ип чақалоқнинг чилласи («қирқи») чиққанидан сўнг ечиб олинган ва қулоғига сирға сифатида тақиб қўйилган [5, 2].

Л.П.Потаповнинг таъкидлашича, гўдакни атаб қўйиш одати Бойсун туманида яшовчи ўзбек қўнғиротлари орасида «этак йиртиш» деб номланган. «Бундай кўринишдаги унаштириш: таниш ёки аҳил-иноқ яшовчи икки оила вакилларида бирининг оиласида ўғил ва иккинчисида қиз туғилса, уларни бири-бирига атаб қўйишга келишиб олишган». «Бешиккерти» одатини ўтказишда оила бошлиғи муҳим ўрин тутган. Яъни, икки оиладан оталар рози бўлсагина мазкур одат ўтказилган. Бу розилиқдан кейингина икки оиладан бирида ўғил, иккинчисида қиз туғилса, улар «келин-куёв» деб ҳисобланган. Янги туғилган қизалоқни онаси ўғил бола хонадонига олиб келган. Куёвнинг онаси бўлажак келин кўйлагининг пастки қисмини йиртиб, бошига янги рўмол ўраб қўяди. Кейин ўғил боланинг онаси қиз хонадонига борган. Қизнинг онаси бўлажак куёв боланинг бошига дўппи кийдирган. Бундан кейин меҳмондорчилик амалга оширилган. Мазкур одат ўзбек халқ дostonларида ҳам акс этган [6, 29].

Маълумки, халқ эпосларида урф-одат ва маросимлар ўзига хос муҳим ўрин ва устивор қонуният кашф этади [7, 5]. Масалан, асли Дехқонобод тумани Қарашина қишлоғилик Қора бахши Умировнинг «Алпомиш» достони вариантыда болаларни «Этак йиртиш» қилган Хўжаи Хизрдир: «Бойбўрининг ўғлига Ҳақимбек деб, Бойсарининг қизига Барчиной деб исм қўйди. Ҳақимбекнинг ийнига шаппат билан бир урди, беш панжанинг изи доғ бўлиб

қолди. Икки гўдакни икки тиззасига олиб, иккисига белги солди. Ҳақимбек билан Барчинойнинг орқа этагини бирга ушлаб йиртди, икковини этак йиртиш қилиб, унаштириб қўйди ва «Ҳақимбекнинг жоврини ерга тиймасин, иккови вояга етиб, эр хотин бўлсин, омин оллоҳи акбар» деб дуо қилиб кетди [8, 33].

Фозил Йўлдош ўғлининг «Алпомиш» достони вариантида эса, «бешиккерти» одатини илоҳий кучлар томонидан бажарилади: «Шоҳимардон пири ана шунда Ҳақимбекка Ойбарчинни аташтириб, бешиккерти қилиб: «Бу иккови эр-хотин бўлсин, Ҳақимбек билан ҳеч бир киши баробар бўлмасин, омин оллоҳи акбар», деб фотиҳани бетига тортди. Пири жўнаб кетди. Шу ерда ўтирган халойиқлар: «Бойларга худо берган экан, пирининг дуосини олган экан», деб гаплашиб қолди» [9, 32].

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, «Алпомиш» достони вариантларида, жумладан, Қора бахши Умиров вариантида Алпомиш ва Барчин ёшлигида «этак йиртиш» қилинган. Фозил Йўлдош ўғли вариантида эса, никоҳ маросими билан боғлиқ «бешиккерти» одати акс этган. Бунинг сабаби шундаки, халқ бахшилари қайси ҳудудда яшаган бўлса, уша ҳудуднинг никоҳ маросими билан боғлиқ урф-одат ва удумларидан келиб чиқиб дostonни куйлашган. Қора бахши Умиров Шеробод дostonчилик мактаби вакилидир [10, 11]. Маълумки, Жанубий Ўзбекистон аҳолисининг никоҳ тўйи маросими билан боғлиқ урф-одатлари бўйича тадқиқот олиб борган Л.П.Потапов Бойсун ва Шеробод туманлари ҳудудларида икки ёшни атаб қўйиш «этак йиртиш» деб номланганлигини таъкидлаб ўтади.

Фозил Йўлдош ўғли эса, Булунғур дostonчилик мактаби вакилидир [11, 6]. Тарихий-этнологик асарларда келтирилишича [12, 15] Зарафшон воҳасининг баъзи бир ҳудудларида яшовчи аҳолининг оилавий-маиший турмуш тарзида никоҳ маросими билан боғлиқ икки ёшни бир-бирига атаб қўйиш одати «бешиккерти» деб номланиши маълум. Бу ҳолатни Фозил Йўлдош ўғли варианти ҳам тасдиқлайди.

Демак, бирор дostonчилик мактаби вакиллари ўзининг дostonларини ўзи яшаётган ҳудуд аҳолиси турмуш тарзи билан бевосита боғлиқ ҳолда ижро этган. Биз буни юқорида келтириб ўтилган мисоллар билан асослашимиз мумкин.

Мазкур одатнинг «бешиккerti» деб номланишининг сабаби бунда кизча ётган бешикнинг бирор еридан пичоқ билан ўйиб, кertiб олинган, яъни бешикка белги қўйилган. «Этак йиртиш»да эса, ўғил бола ва кизча қўйлагининг этагидан бир парча йиртиб олинган ва бу парчалар биргаликда сақланган. Шунинг учун, бу удум, «этак йиртар» деб юритилган. Умуман олганда, бу одатлар никоҳ маросими билан боғлиқ одатларнинг дастлабки кўринишлардан бири ҳисобланади.

Алпомиш ва Барчиннинг бири-бирига аташтириб, қариндошлари томонидан улар туғилгунга қадар бешиккerti қилиниши кўпчилик ўзбек дostonларига хос бўлиб, «Алпомиш» дostonининг аксарият вариантларида учрайди. Эгамберди бахши, [13, 17] Бекмурод Жўрабой ўғли, [14, 18] Умир шоир, [15, 19] Мурод Отабой, [16, 20] Саидмурод Паноҳ ўғли, [17, 21] Мамадрайим бахши, [18, 22] Зоҳир Қўчқор ўғли [19, 23] вариантларида Бойбўри ва Бойсари болалари туғилмасдан илгарироқ қуда бўлиш ҳақида бир-бирига сўз беради. Пўлкан ва Эргаш Жуманбулбул ўғли, [20, 24] Берди бахши [21, 25] вариантларида бу одат Алпомиш ва Барчин туғилганидан кейин амалга оширилади. Мазкур удум фақат Фозил Йўлдош ўғли [22, 26] ва Абдулла шоир [23, 27] вариантларида мукамал акс этган [24, 10]. Бунга кўра, болаларни уларнинг қариндошлари эмас, балки ҳомий тимсоли сифатида тасвирланган Али аташтиради. «Алпомиш» дostonининг қорақалпоқ вариантыни тадқиқ этган Т.Есбергенованинг таъкидлашича, дostonда туғилмаган фарзандларни никоҳлаш русуми «оқлай қуда» деб келтирилади [25, 4].

Демак, «Алпомиш» дostonининг барча вариантларида Алпомиш билан Барчин ёшлигида бир-бирига «атаб қўйилган» лик ҳолатларини кўришимиз

мумкин. Икки оила мазкур одат тартиб-қоидаларига қаттиқ туриб амал қилишган.

Фарзандларни гўдаклигидаёқ атаб қўйиш одати асосан, Ўрта Осиёда яшовчи халқларнинг оилавий-маиший турмуш тарзи алоҳида ўринга эга бўлган. А.Левшиннинг таъкидлаб ўтишича, Ўрта Осиё халқларида «кўпгина оилаларда асосан, бой ва обрўли оила бошлиқлари, ўз боласини гўдаклигидаёқ яқин оилалар билан унаштириб, ваъдалашиб қўйишган»лиги тўғрисида маълумот беради [26, 9]. Ҳали ота бўлмаган дўстлар олдиндан ўзлари ўртасидаги дўстлик ришталарини туғиладиган фарзандлари воситалигида мустаҳкамлашга ҳаракат қилишган [27, 12]. Дўстлар ўртасида тузилган қон-қариндошлик қозоқларда «томир» деб номланади. Г.Н.Потаниннинг таъкидлашича, бунга кўра, оилавий-шароитда мавжуд бирор муаммода икки оила бир-бирига ёрдам бериб, қўллаб-қувватлашган. Бу иттифоқни ўзаро қон-қариндошликни наслдан-наслга, авлоддан-авлодга олиб ўтишган. Г.П.Потанин шундай «томир»ларни «Қўзи Қўрпеш» достонидаги Қорабой ва Сарибойлар ўртасидаги муносабат орқали кўрсатмоқчи бўлади. Яъни, «агар икки оилада ўғил ёки қиз туғилса, «томир» бўлишга, аксинча, бирида ўғил ва бирида қиз туғилса уларни «унаштириб» қўйишга келишиб олишган» [28, 13].

Бу дostonнинг қозоқ варианты кўпроқ учрайди [29, 8]. Жумладан, Соҳибжамол Боённинг отаси Қорабой ва Қўзининг отаси Сорибой узок вақт фарзанд кўришмайди («Алпомиш» достонидаги Бойбўри ва Бойсари каби). Шу ҳолатдан сўнг икки ўртоқ бири ўғил ва бири қиз кўришса, уларни «унаштириб» қўйишга келишиб олишади.

Болани туғилгунига қадар атаб қўйиш одатининг дostonлардаги талқинига назар ташласак, уларнинг айримларида бу одатнинг тартиб қоидалари бузилган ҳолатларни ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, Ўрта Осиё, Каспий орти ва Яқин Шарқда мавжуд бўлган «Ошиқ ва Ғариб» дostonининг туркман вариантыда, (бизда «Шоҳсанам ва Ғариб») ва «Қўзи Қўрпеш», «Тоҳир ва Зухра» дostonларида [30, 16] айна ҳолатларни

кўришимиз мумкин. «Ошиқ Ғариб», «Тоҳир ва Зуҳра» дostonларида вазирнинг ўлими туфайли шох ўз ваъдасидан қайтса, «Қўзи Кўрпеш» дostonида фарзандлар дарвеш-ҳомийларсиз унаштириб қўйилсада, Сарибойнинг ўлими туфайли бу аҳд бузилади [31, 31].

Ёшлигида «бешиккerti» қилиниб, вақт ўтиши билан қиз ёки ўғилнинг бирортаси вафот этса, йигитнинг бошқа қизга уйланиш ёки қизнинг бошқа йигитга турмушга чиқиши учун «бешиккerti» қилинган ҳар икки оила аъзолари бир-бири билан келишган ҳолда, яъни ҳурмат нуқтаи-назаридан бир-бирининг олдиларидан ўтишган [32, 7]. Мазкур ҳолатларда «бешиккerti» бекор қилинган. Биз юқорида «бешиккerti» одатини патриархал уруғчилик даврига боғлаган эдик. Чунки, дostonдаги этнографик маълумотларни тарихий-этнологик асосда тадқиқ этиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, бу одатнинг ўтказилиши ва бекор бўлиши каби тартиб қоидалар асосан, оила бошлиғи, - ота билан бевосита боғлиқлигини кўрсатди.

Хуллас, «Алпомиш» дostonини оммалашган вариантларида никоҳ маросимлари таркибига кирувчи болалик даври билан боғлиқ «унаштириш» одати турли кўринишда акс этади. Жумладан, Қора бахши Умировнинг вариантыда «этак йиртиш» деб тасвирланади. Бу ҳолатни бахши яшаб ижод этаётган ҳудуд аҳолиси никоҳ маросимларининг локал хусусиятлари билан изоҳлаш мумкин. Чунки бахши яшаётган ҳудуд аҳолиси «унаштириш» одатининг қандай кўринишига амал қилган бўлса, мазкур ҳудудда яшовчи бахши-шоирлар бу одатни ўша ҳудуд этномаданий хусусиятларидан келиб чиқиб, дostonда ижро этганликлари аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Горшунова О.В. Идея двух начал в культуре плодородия у народов Средней Азии // Среднеазиатской этнографический сборник. - М.: 2001. – С. 228.
2. Дала ёзувлари. Қамаши тумани, Пахтаобод ва Ўлмас кишлоқлари. 2008 йил август.
3. Дала ёзувлари. Қашқадарё воҳасининг Деҳқонобод, Ғузур, Қамаши, Чироқчи туманларида. 2008 йил август
4. Есбергенова Т. «Алпамыс» достонида болалик этнографияси. // «Алпомиш» достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти» мавзуидаги халқаро конференция материаллари. – Т.: «Фан», 1999. – Б. 48.
5. Жаббор Эшонкул. Эпос ва маросим // Замонавий бадиий маданиятда фольклор ва халқ ижодиёти. Бойсун баҳори очик фольклор фестивали материаллари. – Бойсун. 2002. – Б. 36-37.
6. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. М., «Полиграф», 1947. – С. 48
7. Кармышова Б.Х. , Васильев Г.П. Этнографические очерки узбекского сельского населения. – М.: «Наука», 1969. - С. 227.
8. «Козы-Корпеш и Баян Сулу». Казахстан: «Предание кыргыз, расположенное на песнях, о романе Кусукурпечь» (запись, сделанная для Пушкина в Оренбурге) («Пушкин. Временник Пушкинской комиссии», т. III, 1937), - С. 323-325.
9. Левшин А. Описание киргиз-казачьих или киргиз-кайсацких орд и степей, ч. III. - СПб., 1832. – С. 99.
10. Мирзаев Т. Алпомиш достонининг ўзбек вариантлари. – Т.: «Фан», 1968. – Б. 32-61.
11. Муродов М., Эргашев А. «Алпомишнома». – Т.: «Меҳнат», 2000. – Б. 90.
12. «Народные обычаи, имевшие, а отчасти и ныне имевшие в Малой Киргизской орде силу закона // Записки Оренбургского отдела РГО. Вып. II. - Казань, 1891. - С. 68.
13. Потанин Г.Н. В юрте последнего киргизского царевича // «Русское богатство», 1896, № 8. - С. 84-85.
14. Потапов Л. Материалы по семейно-родовому строю у узбеков - кунград. – С. 48-49; Потанин Г.Н. В юрте последнего киргизского царевича // Русское богатство, 1896, № 8; Левшин А. Описание киргиз-казачьих или киргиз-кайсацких орд и степей. Ч. III. - СПб., 1832.
15. Соатова С.А. Обрядовые комплексы в свадебном церемониале узбеков верхней части долины Зарафшан (в конце XIX-начале XX в.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Т., 1999. – С. 15.
16. «Тахир ва Зухра», записал Б. Каримов // Литература ва искусство Узбекистана, 1940, кн. I, - С. 70-78; Туркмения; Molla Nepes. Zo'hre – Tahir, Ашхабад, 1940 (на туркменском яз.); русский перевод: Молла непес, Зохре и Тахир, Ашхабад, 1943; Пантусов Н. Образцы таранчинской литературы. - Казань, 1909. - С. 30-48; Жирмунский В.М., Зарифов Х. Узбекский народный героический эпос. - С. 293.
17. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв. № 1530

18. Ўша жойда. Инв. №191.
19. Ўша жойда. Инв. № 1254.
20. Ўша жойда. Инв. № 1439.
21. Ўша жойда. Инв. № 733, 847.
22. Ўша жойда. Инв. № 1466.
23. Ўша жойда. Инв. № 1220
24. Ўша жойда. Инв. № 4.
25. Ўша жойда. Инв. № 46.
26. Ўша жойда. Инв. № 18.
27. Ўша жойда. Инв. № 1217.
28. Ҳамракулова Б. Сурхондарё воҳаси аҳолисининг гўдак парвариши билан боғлиқ анъанавий урф-одатлари // Замонавий бадиий маданиятда фольклор ва халқ ижодиёти. Бойсун баҳори очик фольклор фестивали материаллари. – Бойсун. 2002. – Б. 11.
29. Чеканинский И. Казахская поэма «Козу Корпеш и Боян-Сулу». – С. 49-51.
30. «Шасенем и Гариб», пер. Н.Мухиной и Г. Шенгили, - М., Гослитиздат, 1946. - С. 3-4.
31. Фозил Йўлдош ўғли. «Алпомиш» достони. – Т.: «Ғафур Ғулом», 1985. - Б. 15.
32. Эргашев А., Омонова Г. Достонларда айрим урф-одатлар ва миллий кадриятлар. – Қарши. «Насаф», 2000. – Б. 41.

Қашқадарё воҳаси бахшилари достонларида болалик даври удумларининг акс этиши ва уларнинг этнографик хусусияти

Отражение обычаев периода детства в дастанах бахши Кашкадарьинского оазиса и их этнографические особенности.

The expression of childhood age customs in bards dastans of Kashkadarya oasis and their ethnographical peculiarities.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада Қашқадарё воҳаси бахшилари достонларида болалик даври удумларининг акс этиши ва уларнинг этнографик хусусияти масалалари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье освещены отражение обычаев периода детства в дастанах бахши Кашкадарьинского оазиса и их вопросы этнографических особенностей.

RESUME

In this article the expression of childhood age customs in bards dastans of Kashkadarya oasis and their ethnographical peculiarities have been discussed.

Таянч сўзлар: этнология, этнос, фольклор, эпос, бахши, бешиккerti, этак йиртар, унаштириш, оёқ боғлатар.

Ключевые слова: этнология, этнос, фольклор, эпос, бахши, сговоры с колыбели, разрывание полы одежды, помолвка, связывание ног.

Key words: ethnology, ethnicity, folklore, the epos, bakhshi, child betrothal from the cradle, treading the laps of clothes, engagement, tying up the legs.

Норбўтаев Парда Панжиевич,

тарих фанлари номзоди,

Қашқадарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти, “Ижтимоий-иқтисодий фанлар” кафедраси мудири

Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Чўмичли қишлоғи

+99893 543-99-40

parda_1981@inbox.uz

qashqadaryo_moi@xtv.uz

